

ҲИКОЯ ТАРЖИМАСИДА ОНОМАСТИКАНИНГ ПРАГМАТИК ХОССАЛАРИНИ БЕРИЛИШИ (И.С.ТУРГЕНЕВНИНГ “ХОР ВА КАЛИНИЧ” ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)

Эшқобилов А.К. PhD, профессор в.б.,
Самарқанд давлат чет тиллар институти

Передача прагматических свойств ономастики в переводе рассказа (на примере рассказа И.С.Тургенева “Хор и Калинич”). Статья посвящена сопоставительному изучению прагматических свойств имен собственных как ономатических единиц в рассказе русского писателя и их передачи в переводе на узбекский язык

Ключевые слова: прагматика онамастики, перевод и имена собственные, прагматические аспекты перевода, прагматика лексических единиц

Transferring the pragmatic properties of onomastics in the translation of a story (using the example of I.S. Turgenev's story “Khor and Kalinich”). The article is devoted to a comparative study of the pragmatic properties of proper names as onomastic units in the story of a Russian writer and their transmission in translation into the Uzbek language

Key words: pragmatics of onomastics, translation and proper names, pragmatic aspects of translation, pragmatics of lexical units

Бадий асар таржимони учун нафақат референциал, балки ҳам прагматик, ҳам экстралингвистик мазмунни ҳам таржимада сақлаш ва ўзга тилли китобхонга етказиш бадий таржиманинг асосий масалаларидан хисобланади. Бунда таржимонга реципиентга маъумотни узатиш жараёнида денотатив ва коннотатив аспектларни ҳам инобатга олишига тўғри келади. Бунда шунга эътибор қаратиш керакки, ўзга тилли китобхоннинг “фон билимлари захираси” таржимоннидан тубдан фарқланади. Буни тушунадиган таржимон таржима матнини прагматик адаптациясига – мослаштирилишга мурожаат қиласди ёки бунга очикдан очик харакат қиласди; бадий асар матнини адекват таржимасини амалга ошириш учун экспликация, импликация каби турлича методларни қўллайди, тагматининг ролини оширади, шарҳлайди ва бошқа усулларга мурожаат қиласди.

Албатта, таржимоннинг асосий мақсади – бошқа тилга ўгирилаётган матнининг максимал адекватлигига эришишдан иборат. Унинг вазифаси эса маълумот

олувчига аниқ бир таъсирни кўрсатиш бўлиб, унинг воситасида у ёки бу даражада инсон ҳатти-харакатини бошқаришга таъсирни оширишдан иборат. Бадий матннинг китобхон-ўқувчига бундай таъсири филологияда коммуникатив самара ёки прагматик таъсир кўрсатиш, дейилади (1).

Шу муносабат билан таржимашунослик назариясида оригинал матннинг барча маъно турлари ўгирилганда сақланадими, дейган савол пайдо бўлиши табиий. Бошқача йтганимизда, таржимон фақат референциал маъноларни етказиб бериш билан чекланиши керакми ёки прагматик ва экстравангвистик маъноларни ҳам акс эттириши зарурми? Маълумки, ҳар қандай нутқий асар учта таркибий қисмни мавжуд бўлишини тақозо қиласди: коммуникация-мулоқот жараёни содир қилинаётган вазиятни, хабар мавзусини ва маълум билимлар захирасига эга бўлган бу жараён иштирокчиларини. Нолисоний таркибий аъзолар хабарини етказиши – таржимада адекватликка эришишнинг мажбурий шартларидан биридир. Мутлақо аёнки, турли халқларда нолисоний билимлар ва далиллар ҳажми бир хил эмас, шу сабабли таржима қилинаётган тил эгаларига тасвирланаётган обьект ёки ҳодиса билан уларнинг таниш эканлигига ишониш мумкин эмас. Мана нима учун таржимон, бирламчи манба мазмунини реципиентга етказиши учун, оригинал матнида учрайдиган таржима қилиниши зарур бўлган билим ва ҳодисалар ҳақида кенг тушунчалар захирасига эга бўлмоғи лозим. Лингвистикада бундай ёндошув таржиманинг прагматик аспекти (таъкидлар бизники – А.Э.) деб номланади. Шу ўринда адабиётшуносликда мавжуд таърифни эслатмоқ жойиз деб хисоблаймиз: прагматика – семиотиканинг бўлими бўлиб, белгилар мутоносиблигини ва уларнинг аниқ нутқий вазиятда қўлланилишини ўрганади.

В.Н.Комиссаровнинг фикрига кўра, лисоний-тил белгилари ҳам прагматикага, яъни тилдан фойдаланувчига нисбатан маълум муносабатга эга ҳамда кишиларга турлича таъсир кўрсатади: ижобий, салбий ёки бетараф. Лисоний белги қандайдир таъсир кўрсатиши ёки маълум бир реакцияни ҳосил қилиши мумкин. Бундай реакция учта шарт асосида юзага келади: гап мазмуни: севимли кишимиз билан ажаралиш бизда маълум бир хил реакция ҳосил қиласди, пул солинган қопчиқни йўқотиш эса бошқача реакцияни юзага келтиради. Бундан ташқари, айнан бир хил хабар турлича етказилиши мумкин. Машҳур ривоятни эсланг: шоҳ туши таъбирини турлича етказишган кишиларни бирини зиндонга ташлайди, бошқасини шоҳона тақдирлайди. Ва ниҳоят, прагматик таъсир хабарни оловчининг шахсияти билан ҳам боғлиқ. Яқин кишисининг дарди қариндошларида бошқача ва мутлақо бегона одамларда бошқача реакция пайдо қиласди. Шу тарзда, таъкидлаш мумкинки,

гап прагматик потенциалга-имкониятга эга бўлади ва у ёки бу мулоқот вазиятида турлича амалга оширилиши мумкин.

Буюк рус ёзувчиси Иван Сергеевич Тургеневнинг “Овчи хотиралари” (“Записки охотника”, 1852) ҳикоялари туркумидан (2) намуналар дастлаб 1847-1851 йилларда “Современник” журналида чоп этилади ва 1852 йилда алоҳида китоб ҳолида чоп қилинади. Учта ҳикоя муаллиф томонидан кейинроқ яратилган ва 1870 йилдаги нашрига қўшилган. Асарга киритилган асарларнинг жанри орасида олимлар ўртасида баҳсли фикрлар мавжуд, улар орасида ҳикоялардан ташқари очерклар ҳам бор, деб таъкидловчи мутахассислар учрайди (3).

Ёзувчининг ўз эътирофича, у 1846 йил ёзи ва кузининг бир қисмини Спасск-Лутовино қишлоғида ўтказади, умуман ижод қилмайди, аммо кўп вақтини уезд егери-овчи Афанасий Алифанов билан овда ўтказади (4). Петербургга октябрда қайтиб, ёзувчи “Современник” журналининг муассислари ўзгарганлигидан хабар топади: журнални шоир Н.А.Некрасов ва Иван Панаевлар сотиб олишган бўлишади. Улар янги журналнинг биринчи сони учун И.Тургеневдан материал сўрашади. Шу тарзда китобнинг илк ҳикояси “Хор ва Калинич” (1847) “Современник” журналининг январь сонида пайдо бўлади. Кейинчалик тўплам номига айланган “Очининг хотираларидан” (“Из записок охотника”) сарлавҳасини И.Панаев танлайди. Ўша, 1847 йилнинг ёзида, И.С.Тургенев В.Г.Белинский билан хорижга, Зальцбрунга (Германия) жўнаб кетади. Бу холатнинг рус адабиёти тарихида сақланиб қолишига сабаб ёзувчининг “Бурмистр” ҳикоясига “Зальцбрунн, в Силезии, июль, 1847” тарзida сана ва манзилни қўрсатгани ва айнан шу кунлари машҳур “Белинскийга мактублар” ёзилганлиги билан боғлиқ. Бошқа ҳикояларида манзил ва сана қайд этилмайди. “Очининг хотиралари” чоп этилгач, унга рухсат берган цензорлар қаттиқ таъқиб остига олинишади.

Тўплам “Хор ва Калинич” очеркидан бошланади. Унда ёзувчи Облов губерниясининг Жиздринск уездидаги йўлида учраган икки мужик тўғрисида ҳикоя қиласи. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жойиз: ўзбек тилидаги вариантда жой номлари ўзига хос тарзда, яъни рус тилида атоқли отлардан ўрин-жой отларини ясовчи қўшимчалари олиб ташланган ҳолда берилган: Жиздринск –Жиздра, Орловск-Орёл, аммо Болхов (аслида Болхово) уезди номини таржимада сақланади, чунки сўз этимологияси англанилмаган (5). Таржимон Мадамин Иброҳимов 1967 йилдаги ўзбекча нашрида уездлар номини бош келишикда қўллаб, ясовчи суффиксларни тушириб хатога йўл қўяди, зеро , уезд-вилоят номи шаҳар номи Орёл (уезд Орловск), дарёча номи

Жиздра (Жиздринск) билан алмаштирилади, Болхово бирлигидан ясалган Болховск топоними эса, Болхов тарзида қисқартирилган тарзда қўлланади. Бунда етарлича прагматик жиҳатдан йўқотишлар кузатилади.

Асар қаҳрамони Хоръ-мужиклардан бири, уйи ўтда куйиб кул бўлгач, оиласи билан ўрмон ичкарисига кўчиб кетади, савдо-сотик билан шугулланади, хўжайинига ўз вақтида солиқларни тўлайди ва “ақлли бош”, “тадбиркор” каби мақтовлар эшитади. Бу исмнинг прагматик аҳамияти ниҳоятда муҳим. Тургеневнинг ўзи матн эслатмасида таъкидлайди: “Хоръ – сувсарлар оиласига мансуб бўлган сассик кузан. Одатда дала ва ўрмонларда, юронқозиқ сингари, ер тагида уя қазиб яшайди”. Сўз маъносининг этимологик талқинидан кўрниб турибдики, Хоръ эркинликка интилувчан, меҳнаткаш инсон. Иккинчи мужик – Калинич, идеалист, хаёлпараст-романтик, ўз хотинидан қўрқадиган, хўжайинга лаганбардорлик қиладиган, бефарзанд, аёлманд ва шу билан бирга тарааллабедод банда эди, аммо унинг Хордан устун жиҳати “сехр билан иссиқсовуқ қилар, қўрқиб ҳушини йўқотганларга, қутурғанларга дам солар, хафақонликни ҳайдар эди; асаларилар унга осонлик билан ўрганарди, у қўли енгил одам эди” (21)

Бу янги танишлар ҳикоянависни ниҳоятда қизиқтириб қўяди ва у бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган инсонлар суҳбатини бажонудил тинглайди.

Калинич исми-лақаб “Колинник” –юнонча “ғалаба гўзаллиги” сўзидан олинган. Албатта, оми, одми ҳалқ бундай китобий сўзлар маъносини тушуниши мушкул, шу сабабли улар бу исмни, дақабни қизил калина ўсимлиги билан ассоциациялашлари табиий. Китоб учун Калинич. Контекст мантиқидан келиб чиқсан – бу табиатни руҳланган ҳолда, илҳом билан идрок этиш, у билан уйғуллашиб кетишининг рамзи. Калинич юқорида таъкидланганидек, у уқувсиз инсон, хаёти ҳам бахтли деб бўлмайди. Бироқ у табиат билан уйғун яшайди, отларни, хатто асалариларини тилини тушунади. Бу сўзнинг бирламчи эътимологияси билан боғлиқ бўлиб, чукур яширин маъно қасб этади. Шу ўринда унинг ўз хўжайини Полутикин олдилиги кўркуви, лаганбардорлиги оқибатида унинг исми яна бир ассоциация уйғотади –Колиннич, талаффузи, фонологияси жиҳатдан ўзагида “колено” – “тизза” маъносидаги мазмун тургандек таассурот қолдиради, чунки у хўжайинига нисбатан ўта лаганбардор. Бироқ, рус тили шеваларидаги хилма-хил фонетик фарқлар сабабли, буни тўлиқ тасдиқлаш қийин, аммо рус тилидан у ёки бу даражада хабардор ўзбек китобхонида ҳам дастлаб шу таассурот уйғонади. Аммо бу исм-лақабнинг асл этимологияси аслида прагматик маъноси

бутунлай бошқача ҳамда бу муаллифнинг бадиий-эстетик позицияси билан ҳам алоқадорлигини таъкидлаб, исботлайди.

Калинич табиат китобини “шунчаки” ўқиб ташлайди. Ҳикоянависнинг “эртага ажойиб об-ҳаво бўлади”, дейган луқмасига, Калинич шундай жавоб беради: “Йўқ, эртага ёмғир ёғади... ана ўрдаклар сувни шалоплатиб сузуб юрибди, қолаверса, ўт-ўланнинг ҳиди ҳам бурунга гуппиллаб урайпти” (26). Калиничнинг поэтик табиати, унинг Хорь билан нозик дўстлик ришталари рус дехқонининг бой маънавий олами, хаёти ва табиатдаги гўзалликка нисбатан мавжуд жонли муносабатини таъкидлайди. И.С.Тургенев тасвирлаган Хорь ва Калиничларга хос маънавий-психологик фазилатларнинг прагматик маъносини умумлаштирадиган бўлсак, биринчиси сермулоҳаза ва практик табиатли киши бўлса, иккинчиси поэтик табиатли инсон. Ўз даврида дворян-задогонлар табақасига мансуб китобхонлар фикрига кўра, ёзувчи қулок эшитмаган даражаги эпитетга, крепостной дехқонларни ва уларнинг дўтлигини Гете ва Шиллер ўртасидаги дўстликка қиёсланади. Кейинчалик, ҳикоялар тўплам тарзида чоп этилганда, муаллиф “Овчилар хотирасидан” бу тасвирни олиб ташлайди.

“Хорь ва Калинич” ҳикоясида тилга олинган атоқли отлар – исм ва фамилиялардан савдогар Аллилуев биринчи тилга олинади. У ҳақда биронта қўшимча маълумот келтирилмайди, бироқ китобхон тасаввурида қандайдир авлиётабиат, ўзининг номаъқул қилмишларини Инжилдан олинган ривоятлар, мисоллар билан хаспўшламоқчи бўлган ким сифатида таассурот қолдиради. Ундей ташқари “қуш” фамилияли –Пичуков (майда қушча номидан олинган), ўзининг ақлбовар қилмас майда қушчага хос бўлмаган иштаҳаси билан эсда қолади. Полутикин унинг қўшниси Пичуков унинг ерини рухсатсиз хайдагани ва унга тегишли аёли калтаклани сабабли шаҳар маҳкамасига боришга мажбур бўлади.

Шунингдек, ҳикояда тарихий шахслардан Петр Биринчи ва ХҮП аср ёзувчиси Аким Нахимовнинг исми тилга олинади; бу ёзувчи помешик Полутикиннинг севимли муаллифи хисобланади. Эътиборга молик нарса, ҳикоя сюжетининг шакллантирувчи персонаж бўлган Полутикин ўтмишга мухаббатдан ташқари космосга ва гайритабиий нарсаларга қизиқиши кузатилади. Ҳар қалай унинг итининг номи Астроном, ёзувчи бу лақаб билан кейинги асарларида тез-тез учрайдиган ит ва бошқа жонзотларнинг, айниқса отларнинг, хайратомуз лақаблари галереясини бошлайди. Ҳикоя оригинали Полутикин фамилияси билан якунланади ва тўғридан тўғри “Ермолай ва омборчининг хотини” (“Ермолай ва мельничиха”) бошланишига туртки бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение. Учеб. пособие.: М., ЭТС, 2004.- 424 с.
2. Тургенев И. С. Танланган асарлар: 5 томлнк. Т., 1967—1975, Т. 1: Овчининг хотиралари , Русчадан М. Иброхимов тарж.— Т.: Бадиий адабнашр, 1967.—146 б.; Илк таржима олдинроқ амалга оширилган. Қаранг: **Тургенев И. С.** Овчининг хотираларидан- [Хикоялар] /О. Рахимий тарж.; Рассом А. В. Венедиков.— Т.: Қизил Ўзбекистан; Правда Востока, 1951.—117 б.
3. Творчество И. С. Тургенева: Сборник статей : Пособие для учите-ля / Под общ. ред. С. М. Петрова ; Ред.-сост. И. Т. Трофимов. - Москва : Уч-педгиз, 1959. - 576 с.
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki/1959>. Мурожаат вақти: 12.10.2023.
5. Тургенев И.С. Танланган асарлар. 5 томлик.-Т.: Faafur Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 1-том.-445 с. Барча ўзбек тилидаги иқтибослар ушбу нашрдан олинди. Матнда, қавс ичида, саҳифалар кўрсатилди.